



PECULIARITIES OF THE POLITICAL APPROACHES OF THE RUSSIAN EMPIRE AND GREAT BRITAIN TO AFGHANISTAN IN THE 1870S

D. J. Urakov

professor, DSc

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: von Kaufman, Count George Levison-Hoover, Anglo-Russian rivalry, Dost-Muhammad, Count A. M. Gorchakov, Bukhara-Afghanistan relations

Received: 13.06.25

Accepted: 15.06.25

Published: 17.06.25

Abstract: This article discusses the new phase of the Anglo-Russian rivalry over Afghanistan, an integral part of Central Asia, which began in the 1970s, based on deep scientific foundations. In particular, the political position of the two empires on this issue is revealed by analyzing the views of the Russian Empire's Governor-General of Turkestan von Kaufmann, one of the main decisive political figures in the Afghan issue, and the British Foreign Secretary, Count George Levison-Hoover. In addition, the US government's increased political interest in Central Asia during this period is also covered in this research.

ХІХ АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИДА АФҒОНИСТОН МАСАЛАСИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА БУЮК БРИТАНИЯНИНГ СИЁСИЙ ЁНДАШУВЛАРИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Д. Ж. Ураков

профессор, т.ф.д (DSc)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: фон Кауфман, граф Жорж Левисон-Гоувер, инглиз-рус рақобати, Дўст-Муҳаммад, граф А.М.Горчаков, Бухоро-Афғонистон муносабатлари

Аннотация: Ушбу мақолада Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган Афғонистон масаласида юзага келган инглиз-рус рақобатининг XIX асрнинг 70-йилларидан бошланган янги фазаси ҳақида чуқур илмий асосларга таянган ҳолда сўз юритилади. Жумладан, Россия империясининг Афғонистон масаласидаги

асосий ҳал қилувчи сиёсий шахсларидан бири ҳисобланувчи Туркистон генерал губернатори фон Кауфман ва Буюк Британия ташқи ишлар вазири граф Жорж Левисон-Гоувернинг қарашларини таҳлил қилиш орқали ушбу масалага оид икки империянинг сиёсий позицияси очиқ берилган. Қолаверса, АҚШ ҳукуматининг Марказий Осиё масаласидаги сиёсий қизиқишларининг мазкур даврга келиб фаоллашганлиги ҳам ушбу тадқиқот ишига қамраб олинган.

ОСОБЕННОСТИ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ И ВЕЛИКОБРИТАНИИ К АФГАНИСТАНУ В 1870-Е ГГ

Д. Ж. Ураков

профессор, DSc

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: фон Кауфман, граф Джордж Левисон-Гувер, англо-русское соперничество, Дост-Мухаммед, граф А.М.Горчаков, бухаро-афганские отношения

Аннотация: В статье на глубоких научных основаниях рассматривается новая фаза англо-русского соперничества за Афганистан, неотъемлемую часть Центральной Азии, начавшаяся в 1970-х годах. В частности, политическая позиция двух империй по этому вопросу раскрывается путем анализа взглядов генерал-губернатора Туркестана Российской империи фон Кауфмана, одной из главных решающих политических фигур в афганском вопросе, и министра иностранных дел Великобритании графа Джорджа Левисона-Гувера. Кроме того, в исследовании рассматривается возросший политический интерес правительства США к Центральной Азии в этот период.

Маълумки, XIX асрнинг 60-йиллар охирида бошланган Афғонистон бўйича янги тортишувлар қисқа танаффуслар билан 70-йиллар бошида давом этди. Эътиборлиси шундаки, Россия ва Англия Афғонистон чегараларини аниқлаш борасида музокаралар олиб борар экан, унга бирорта ҳам афғон ҳукуматидан вакил киритилмади. Россия ҳукмрон доиралари чегаралар бўйича аниқ маълумотлар йиғишни шахсан генерал-губернатор фон Кауфманга топширади. Шу орада 1870 йил 20 майда инглиз-ҳинд ҳукумати ўзининг расмий ахборотида Афғонистон чегаралари Дўст-Мухаммад эгаллаган ҳудудлар орқали ўтишини маълум қилишди. Бу маълумот Россия ҳукуматини умуман

кониктирмас эди. Улар ўзининг қарашларини баён этиб, афғон амири Шерали қонунан ҳозирда эгаллаб турган ерлар орқали чегара чизиқлари ўтиши лозим эканлигини, таъкидлашади. Чунки 1859 йили Бухоро амири ва Дўст-Муҳаммад ўртасидаги келишувда Жанубий Туркистоннинг Амударёгача бўлган ҳудудларига Бухоро амирлиги даъво қилмаслигини маълум қилган эди. Инглизлар шу келишувни асос қилиш ҳаракатида бўлишган. Фон Кауфман бу ҳақда ёзган хатида Дўст-Муҳаммадхон ҳеч қачон Бадахшон ва Вахонни ўзига қўшиб олмаган, фақатгина ўзларини мустақиллигини сақлаб туриш ва тинчликни сақлаш мақсадида Бадахшон ҳокими солиқ тўлаб турган. Бироқ Афғон амири вафотидан сўнг улар Бухоро амири ҳомийлигига ўтганлигини маълум қилган. Иккинчи томондан Вахон хони Бадахшонга солиқ тўлаган ҳолда афғон амири билан ҳеч қандай алоқалари йўқлигини уқтирган ҳолда бу вилоятларни умуман Афғонистон таркибига қўшиб бўлмайди- деб таъкидлаган. Бу ерда генерал-губернатор агарда бу воқеа юз берса қандай оқибатларга олиб келиши бўйича ҳам ўз мулоҳазаларини маълум қилган. “Бу икки вилоятни қўшиб олиниши билан Афғонистон Бухоро билан қўшни чегара ҳосил қилиб, Қоратегинга яқинлашиб қолади. Бу эса Қўқон хонлигига қўл узатиш ва ниҳоят Ёқуббек ерларига яқинлашиш демакдир”.

Мазкур масала бўйича инглиз ҳукмрон доираларининг позицияси 1872 йил 17 октябрда Буюк Британия ташқи ишлари вазири граф Жорж Левисон-Гоувер Гренвиллнинг Россияга янги элчи бўлиб келган А. Лофтусга ёзган хатида қуйидагича баён қилинган: Қобул амири ҳукумати афғон провинциясининг барча ҳудудлари билан, шимолий чегарани ташкил қилувчи, Шарқда Сарикўлдан бошлаб то Кўкчи ва Панж дарёсигача, шунингдек, Вохан округи қарам бўлган Бадахшон ҳисобига кенгайиши зарур. Афғон Туркистони қуйидаги округларни ўз ичига олади: Қундуз, Хулм ва Балх, Окус дарёси оқимида қуйилувчи Кўкчидан то Хўжа Солиҳ нуқтасигача яъни Бухородан Балхга катта йўл бўйлаб, шимолий чегара бўлиб хизмат қилиши мумкин. Афғон амири Хўжа Солиҳнинг қуйи, Амударёнинг чап қирғоғига ҳеч қандай даъво қила олмайди. Ундан олдинроқ эса элчи Санкт-Петербургда Кауфман билан шахсан учрашиб, ушбу масала юзасидан суҳбатлашган эди.

1872 йил 16 октябрда Афғонистон масаласи бўйича Туркистон маъмурияти томонидан ҳам таклиф тайёрланган. Ушбу ҳужжат 1869 йил октябрда Форсайт билан учрашувдан кейин тузилган бўлиб, ҳужжатнинг биринчи пунктида Англия Шералихон давлати ҳудудларини кенгайтиришга ёрдам бермаслиги, ўз навбатида Россия ҳукумати ҳам Бухоро амирлиги ҳудудларини Афғонистон ҳисобидан кенгайтирмаслиги, 3) Россия томонидан Афғонистон ҳудудларига босқинчилик ҳаракатларининг амалга

оширилмаслиги 4) Қошғар ҳудудларига Рус ҳукумати томонидан таҳдид солинмаслиги каби масалалар қайд қилинган эди. Бироқ ушбу ҳужжатга ўша пайтда эътибор берилмайди.

Ўз навбатида инглизлар томонидан берилган таклиф ҳам Афғон амирига Бадахшон ва Воханни бермасликни талаб қилаётган фон Кауфманнинг фикрлари билан тўғри келмайди.

Граф Гренвилнинг топшириғига биноан 1872 йил 17 октябрдаги хатнинг нусхаси граф А. М. Горчаковга (1798-1883 йй.) юборилди. Бу ҳақда 1872 йил 7 декабрда ёзган жавоб хатида эса у қуйидагиларни таъкидлайди: “Афғон давлатининг асосчиси Дўст Муҳаммадхон ўзидан кейин, ҳукмронлиги даврида қўшиб олинган ҳудудларни асос сифатида қабул қилишга имкон бермайдиган чигал вазиятни қолдириб кетди... . Шунинг учун Шералихон ҳукмронлиги вақтидаёқ ўлкага кирган ва кейинчалик Дўст Муҳаммад ҳукумати томонидан тан олинган ўша ҳудудларнигина эътиборга олиш лозимлигини мувофиқлаштириш даркор”.

Россия ҳукумати ўзининг Лондондаги вакили орқали инглиз ҳукуматини юзага келган қарама-қаршиликка эътибор қаратишини талаб қилди. Кейин Рус ҳокимияти босиб олинган ўлкаларда ўзининг идора қилиш механизмини ўрнатиши баробарида, Ўрта Осиёда иккала давлат ўртасидаги муносабатларни вақтинча барқарорлаштириш мақсадида лорд Гренвилнинг Афғонистон чегарасига дахлдор бўлган таклифини қабул қилиш зарурияти тўғрисида ҳулосага келди.

1872-1873 йилларда имзоланган битим бир томондан иккала буюк империяларнинг ўз манфаатлари йўлидаги ҳаракатлар натижаси эди. Иккала буюк давлат заиф халқларни босиб олиш мақсадида ўзларининг босқинчилик ҳаракатларини амалга оширишда, асосан ўзининг вассал мамлакатларига таяндилар; инглиз истилочилари учун бундай мамлакат Афғонистон, подшо Россияси учун эса Бухоро амирлиги бўлди.

Афғонистон ва Бухорони “ҳимоя қилиш” сиёсатини олиб борган иккала буюк давлат ўша вақтда ҳақиқатда ўзларининг таъсир доирасини тақсимладилар ва охир-оқибатда эса мустамлакаларни босиб олиш ҳисобига ҳудудларини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Туркистон генерал-губернатори К. П.фон Кауфман Россия Ташқи ишлар вазирлигига тақдим қилган маълумотномасида, Ўрта Осиёда бўлиб, керакли фактларни тақдим этган Карл Струвенинг маълумотларига асосланди. Генерал-адъютант иккала буюк империя ўртасида таъсир доирасини тақсимлаб олиш тўғрисида битим имзолангунга қадар, Помир ўлкаси халқларининг тасаввурида ортиқча хавотирликни юзага келтирмаслик учун Англия ва Россия ҳукуматлари ўртасида

музокаралар кетаётган вақтда бу ўлкаларга рус офицерларини жўнатмаганлигини таъкидлайди. Фон Кауфман Бадахшон ва Вохандаги ҳолат муносабати билан олиб бориладиган музокараларда мазкур далилларни ҳисобга олиш зарурияти тўғрисида огоҳлантирди”.

Россия томони Вохан Бухорога қарамлилигини тасдиқлайди. Бадахшон ва Воханнинг Афғонистонга қарамлилиги вақтинчагина юзага келган ва ўткинчи хусусият касб этиши иккала томонга ҳам аниқ эди. Мазкур музокараларда инглизларнинг шакшубҳасиз устунлиги шу билан ифодаланадики, 1870 йилларда улар Помир ва унинг атрофидаги мамлакатлар тўғрисида русларга қараганда кўпроқ маълумотга эга эдилар.

Охир-оқибатда, Россия ҳукумати Бадахшон ва Воханни Қобул амирига берувчи инглиз демаркация линиясини шартли чегара деб қабул қилди ёки аниқроғи “тан олишни рад этмади”. Шу тарзда 1873 йилнинг бошларида иккала буюк давлат ўртасида ўзаро битимга эришилди. Бунга кўра, Афғонистоннинг шимолий чегарасининг энг чекка шарқий нуқтаси Вуда кўли (Виктория, ҳозирги Зоркўл) деб тан олинди. Мазкур битим ўзининг моҳияти билан мазкур кўлнинг шарқида ётган Помир ҳудудига тегишли бўлмади. Шу билан бир қаторда, туб Помир аҳолисининг ҳуқуқлари ва қарашлари эътиборга олинмади.

Ўрта Осиёда ўзининг келажакдаги ҳолатини мустаҳкамлаш билан банд бўлган ва Болқонда мураккабликларга дуч келган Россия империяси Англияга фойдали бўлган вақтинча битим имзолашга рози бўлди. Бу эса 1869 йилда бошланган тортишувларнинг биринчи босқичи эди, холос.

Дарҳақиқат, Россия империясининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари кўпгина давлатларни, жумладан, АҚШни ҳам эътиборини тортган. 1873 йил 28 февралда Ташқи ишлар вазирлиги департаментининг Бош штаби директори Пётр Николаевич Стремухов номига граф Гейден томонидан хат йўлланган. Хат мазмунидан шу нарса англашиладики, Россия армиясининг Ўрта Осиёдаги ҳаракатлари Америка Қўшма Штатларида қизиқиш уйғотмоқда. Хат муаллифи Америка газеталарида инглиз тилида доимий равишда русларга душманлик кайфиятидаги материллар чоп қилинаётганидан хавотирда эканини билдиради. Америка матбуотининг бундай кўринишдаги чиқишлари АҚШда Россияга нисбатан дўстона бўлмаган сиёсий қарашларни шакллантираётганини қайд қилади.

Хатда, шунингдек, Вашингтондаги ҳарбий агентлар АҚШ ҳарбий амалдорлари орасида ҳам Марказий Осиё минтақасига қизиқиш бошланганлигини, русларнинг бу ердаги ҳарбий ҳаракатларидан кўзланаётган мақсад ва кутилаётган натижанинг инглиз ҳукумати ва АҚШ маъмурлари учун қандай ҳолатда бўлиши мумкинлиги масаласи

кўтарилаётгани маълум қилинди. Вашингтондаги генерал-майор Горловдан АҚШ армияси бош қўмондони Шерман, ҳарбий муҳандислик тармоғи бошлиғи генерал Хумфрейс Марказий Осиё харитасидан бир нусхани агар иложи бўлса беришини сўраган. Харитани кўздан кечирган АҚШ ҳарбий маъмурлари рус ҳукуматининг ёввойи давлатларда инсонпарварликни ёйиш ва тарғиб қилишда хизмат қилиш ҳуқуқи борлигини ва бу ҳуқук бурч даражасида ижро қилинаётганини таъкидлайди. Бундан шу нарсани тушуниш мумкинки, рус ҳарбийлари ўз босқинчилик юришларини "ёввойи давлатларга инсонпарварлик ғояларини ёйиш" билан изоҳлайди. Мазкур хат Туркистон генерал-губернаторига шахсан танишиб чиқиш учун юборилган эди.

Шак-шубҳасизки, Россия империяси ҳукумати тузилган битимнинг асосий бандларини эътиборсиз қолдиришларига тинч қараб тура олмадилар. Бу ҳолат шунга олиб келдики, иккала буюк давлатлар илгаригидек ўзларининг таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда инглизлар Ҳиндистоннинг шимолий қисмида жойлашган Ҳиндикуш ўлкасидан ярим мустақил бўлган ҳудудларни батамом босиб олишни бошлади. Бир вақтнинг ўзида улар Афғонистонда ўзларининг вазиятини мустаҳкамлаб олишга ҳам киришдилар. Россия империяси Афғонистон масаласида гарчи ён берган бўлсада, бу жиҳат уларни Марказий Осиё масаласидаги ҳаракатларига тўсқинлик қила олмади. Ўз навбатида инглизлар ҳам бу билан чекланмай, энди туркманлар воҳасига ҳам қизиқишни давом эттиради. Чунки бу вақтда Россия Хива хонлигини босиб олиш мақсадида ҳарбий юришга тайёргарлик кўрмоқда эди. Англия Хива хонлигига ўз агенти капитан Бэрнебэни жўнатади. Унинг вазифаси хонга таъсир кўрсатиб, Россияга қарши курашда ёрдам беришни таклиф этишдан иборат бўлган. Бу ҳақда инглиз газеталари маълум қилган. Инглизларни бу ҳаракатлари Россия ҳукмрон доираларини ташвишга солади. Чунки 1873 йилги келишувга кўра Англия Марказий Осиё ишларига аралашмаслиги лозим эди. Бу орада 1873 йил 12 августда Хива хонлигини қарам давлатга айлантирган сулҳ тузилди. Шу йилнинг 23 сентябрида эса қўшимча равишда Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасида яна бир сулҳ шартномаси имзоланди. Бундан мақсад Бухоро амири Россия ҳукуматининг рухсатисиз бирор хорижий мамлакат фуқаросини қабул қилиб, суҳбатлашиши тақиқланди. Эндиликда амир хорижий мамлакатлар билан амалда мустақил равишда алоқалар олиб бориши ман этилган эди. Бундай сулҳ шартномаларини тузилишида генерал-губернатор К. П. фон Кауфман муҳим рол ўйнаган. Чунки 70-йиллар бошида Англия ва Туркия Бухоро амири билан алоқалар ўрнатишга интилиб, уларга ёрдам бериш эвазига Россияга қарши қўйиш умидида бўлган.

Мазкур шартномалар билан иккала хонлик амалда тўлиқ назорат қилинувчи вассал давлатга айлантирилди.

Юқорида таъкидланганидек К.П.Кауфман ва Шерали ўртасидаги дипломатик ёзишмалар 1870 йилда генерал-губернаторнинг Абдурахмонни Туркистонга келишини маълум қилган хатидан бошланиб, тўхтамасдан 1879 йилгача яъни амирнинг вафотига қадар давом этган. Жумладан, 1873 йилда Афғонистон амири Шералихон Туркистон генерал-губернаторига хат йўллайди. Хат мазмунига кўра, Афғонистон амири Туркистон генерал-губернаторлигининг Хива хонлигига қарши юришларини қўллаб-қувватлашини, юриш даврида генерал-губернаторлик билан яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкам сақлаб туришини билдиради. Ташкиллаштирилаётган ҳарбий юришларда фон Кауфманга муваффақият тилайди. Ўз навбатида фон Кауфман ҳам 1873 йил 1 декабрдаги хатида русларнинг Хива хонлигига қилган юришини "... Муҳаммаднинг қонунларини бузиб хонликда қулликни жорий қилган хонни жазолаб, қулларни озод этдик ва хонни тахтда қолдириб, мамлакатни тарк этдик", деб амирни ваҳимага солмаслик мақсадида губернатор ўзларини ҳарбий юришларини шундай изоҳлаган. Таъкидлаш жоизки дипломатик муносабатлар орқали фон Кауфман Афғонистондаги вазиятдан доимо хабардор бўлиб турган.

1875 йил 1 июлда "Туркестанские ведомости" газетасининг муҳаррири Маев Туркистон генерал-губернаторига хат йўллайди. У губернаторлик томонидан Ҳисор ва Кўлоб ҳудудларига Бухоро амирлигининг Афғонистон билан алоқаларига боғлиқ материаллар тўплаш учун жўнатилган эди. Маевнинг маълумотларига кўра, афғонлар ўз амирларининг қаттиққўллиги ва адолатсизлигидан норози бўлишмоқда. Бунга сабаб аҳолидан ундириладиган солиқ ва йиғимлар миқдори йилдан-йилга ошириб борилаётгани эди. Маълумот ўрнида шунини айтиш мумкинки, бу даврда ҳар бир афғон хонадонидан 30 тилла, ҳар бош эчки-қўйдан 3 танга миқдорида ўлпон ундирилган. Афғонлар қисқа давр бўлса ҳам Абдурахмон ҳукмронлик қилган даврни яхши хотиралар билан эслаётганларини билдиради. Балх ва Бадахшон амирлари эса аҳолини Абдурахмон билан боғлиқ бўлган воқеаларни эслаганлик учун ҳам суд-сўроқсиз қатл қилаётганлигини таъкидлайди.

Маев бу даврга келиб, афғонларнинг Бухоро билан алоқалари кескинлашиб бораётганлигини, афғонларда Бухорога нисбатан ишончсизлик кайфияти мавжудлигини таъкидлайди. Бунга сабаб Бухоро орқали Каркига бир қанча эмиссарларнинг ўтказиб юборилиши ва Кобулда Бухоро амирининг яқин амалдорларидан Кўлоб ҳукмдори Сарихоннинг тутқунликда сақлаб турилганлиги эди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XIX аср 70-йиллари бошида Англия ва Россия империялари дипломатиясидаги долзарб мавзу Афғонистон муаммоси ҳисобланган. 60-йиллар охирида руслар томонидан Бухоро амирлиги қарам давлатга айлангач, метрополия чегаралари Афғонистон ҳудудлари билан чегара ҳосил қилди. Бундай вазият инглизларни кониктирмагани сабабли икки давлат ўртасида ўзаро таъсирдан ҳоли зона сифатида Афғонистон бўлиши лозим эди. Узоқ тортишув ва музокаралардан сўнг 1873 йилда инглизлар фойдасига ён беришга мажбур бўлишди. Мазкур жараёнда афғон халқи қизиқишлари ва ҳоҳиш-иродаси эътиборга олинмади.

Ўзаро тортишувларда Туркистон генерал-губернаторлиги муҳим аҳамият касб этди. Туркистон маъмурияти ушбу ҳудуд билан боғлиқ энг зарур маълумотларга эга бўлиш баробарида Шерали билан ҳам муносабатларни узмасдан империя манфаатлари йўлида фаол ҳаракатларни амалга оширади. Бироқ халқаро аренада ёлғизланиб қолган Россия империяси Афғонистон масаласида эҳтиёткорлик билан иш тутиб, афғонлар ерини инглизлар назоратига ўтишига имкон яратади. Бу жараёнда фон Кауфман ташаббуслари натижа бермади. Шунга қарамай, Туркистон генерал-губернаторлиги ўз олдида қўйган режалари асосида Ўрта Осиёдаги мавқеини кучайтириш учун асосий эътиборни туркманлар ерини босиб олишга қаратади. Бу эса чегара масалаларидаги тортишувлар яна давом этишини англатган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Афганское разграничение. Переговоры между Россией и Великобританией в 1872-1885 гг. В 2-х ч. – СПб., 1886. Ч.2. – 386 с.
2. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент.: Шарқ, 1998. – 477 б.
3. Постников А. В. Схватка на "Крыше Мира": Политики, разведчики, географы в борьбе за Памир в XIX веке. – М., 2005. – 510 с.
4. Риштия С.К. Афганистан в XIX веке. – Москва.1958. – 486с.
5. Семенов А.А. “Бегство” Абдур-Рахман-хана из Ташкента в Афганистан, “Кауфманский сборник”. – Москва, 1910. – С.100-117.
6. Туркестанский сборник. – Тошкент, 196.С.98;”Русский мир”№ 88.1876
7. ЎзМА, 715-фонд,1-рўйхат,54-иш
8. Халфин Н.А. Английская колониальная политика на Среднем Востоке. – Ташкент, САГУ, 1957. – 249 с.
9. Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60-70-е гг.). – Ташкент: Изд-во «Фан», 1969. – 456 с.
10. Юлдашбаева Ф.Из истории английской колониальной политики в Афганистане и Средней Азии (70-80 годы XIX в.). – Ташкент.1963. – 191 с.